

УДК: 332.2.021.012.33

ҚИШЛОҚ ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ТАМАКИЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

О.Муртазаев- ТДИУ самарқанд филиали директори, и.ф.д. профессор

С.Кўчимов- ТДИУ самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси

А.О.Муртазаев- ТДИУ Самарқанд Филиали магистри

ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ ТАБАКА ДЛЯ СТАБИЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОЙ ЭКОНОМИКИ

Муртазаев О. - директор Самаркандского филиала ТДИУ, и.ф.д. профессор

Кочимов С. - независимый научный сотрудник Самаркандского филиала ТДИУ

Муртазаев А.О. - магистр Самаркандского филиала ТДИУ

THE IMPORTANCE OF TOBACCO DEVELOPMENT IN STABILIZING THE RURAL ECONOMY

Murtazaev O. - Director of the Samarkand branch of TDIU, I.F.D. Professor

Kochimov S. - independent researcher of the Samarkand branch of TDIU

Murtazaev A.O. - Master of the Samarkand branch of TDIU

Аннотация. Илмий мақола тамакичиликдаги самарадорликка таъсир қилувчи тамаки биологик навлари, уларнинг ҳосилдорлиги ва сотиш баҳолари ўртасидаги алоқадорликка шунингдек, охириги натижа бўлган молиявий натижаларга ижобий таъсирга бағишланган. Статистик маълумотлар асосида йиллар бўйича барча иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси берилган.

Калит сўзлар: тамаки навлари, Измир, Басма, Дюбек, Виржиния, категория, ишлаб чиқариш, иқтисодий самарадорлик, молиявий кўрсаткичлар, техника экинни, сотиш баҳоиси, таннанрх, фойда, таҳлил, бозор баҳолари, ўсиш суръати, қўшимча ўсиш суръати, хом ашё

Аннотация. Научная статья посвящена взаимосвязи между биологическими сортами табака, влияющими на эффективность производства табака, их урожайность и цену реализации, а также положительному влиянию на конечный результат, финансовые результаты. На основе статистических данных дана динамика всех экономических показателей по годам.

Ключевые слова: сорта табака, Измир, Басма, Дюбек, Вирджиния, категория, производство, экономическая эффективность, финансовые показатели, техническая культура, отпускная цена, себестоимость, прибыль, анализ, рыночные цены, темп роста, дополнительный темп роста, сырье.

Abstract. The scientific article is devoted to the relationship between tobacco biological varieties that affect the efficiency of tobacco production, their yield and selling price, as well as the positive impact on the final result, financial results. On the basis of statistical data, the dynamics of all economic indicators by years is given.

Key words: tobacco varieties, Izmir, Basma, Dubek, Virginia, category, production, economic efficiency, financial performance, industrial culture, selling price, cost, profit, analysis, market prices, growth rate, incremental growth rate, raw materials.

1. КИРИШ

Самарқанд вилояти Ургут тумани тамаки баргини етиштиришда, унинг инсон саломатлигига жуда катта салбий таъсир кўрсатишига ва соғлиқни сақлаш ташкилотларининг жуда катта эътирозларига қарамасдан, асосий тармоқлардан бирига айланган. У вилоятда аҳоли сони бўйича ҳам, зичлиги бўйича ҳам олдинги ўринда турувчи туман ҳисобланади. Тамакичилик тармоғи мавжуд барча ресурслардан, ер-сув, меҳнат, моддий ва меҳнат ресурсларидан сама-

рали фойдаланиш тармоғи ҳисобланади. Чунки асосий иш жараёни қўл меҳнатига асосланади. Бунда бир вақтлар қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам шаклланган, лекин амалиётда ўзини оқламаган, хўжалик юритишнинг оила пудрати шакли жорий этилган бўлиб, Ургут тамакичилигида анча узоқ тарихга эга [1]. Яна муҳим жиҳати шундан иборатки, унинг ягона истеъмолчиси бу – “ЎзБАТ АЖ” ҚҚ бўлиб, тамакикорлар ишлаб чиқариш фаолиятида, баҳоларни белгилаш, аванслар

билан таъминлаш ва бошқа кўмак берадиган ишларда беғараз ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, тамакичилик соҳасидаги инновацион ўзгаришлар ва илғор, янги навларни жорий қилишда ҳам етакчилик ролини ўйнайди.

Хуллас, энг асосий маҳсулот сифатида, сигарет ва папироснинг ҳар хил турлари ишлаб чиқарилишини ва реализациясини йўлга қўяди. Шу жиҳатдан ҳам арзон хом ашё ва арзон ишчи кучи шароитида бу корхона тамакикорларнинг ҳозирги фаолиятидан ва келажакда уни ривожлантириш стратегиясини муваффақиятли амалга оширишдан манфаатдор [2]. Бундай тармоқнинг мавжудлиги ва у тўғрисидаги тадқиқотларни келажакда янада ривожлантириш айна пайтда долзарб масаладир.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қишлоқ хўжалиги фани таникли олимларининг, яъни С.Х.Хушвақтов, Ф.Х.Хошимов, К.М.Мўминов, Д.Ё.Ёрматова, Э.У.Умурзоқов, Т.И. Сулаймонов, С.С.Эшонқулова ва бошқаларнинг ишларида Зарафшон водийси ерларида тамаки етиштириш, йиғиш, йиғим-теримдан кейинги биринчи ишлов бериш технологияларининг долзарб муаммолари ўрганилган [2].

Марказий Осиёда ва Ўзбекистонда тамаки етиштириш, унинг сифатини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш масалалари билан Х.Э.Кўчимов, А.А.Абдикеримов, А.П.Исаев, И.Х.Собиров, А.А.Мухторов, Б.С.Жалилов, Ф.Б.Ахроров, Ш.М.Исломов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган [6]. Бу илмий ишларда Ўзбекистоннинг текислик, тоғолди ва тоғли зоналарида тамаки етиштириш технологияси, иқлим шароити, тупроғи ва кўпгина табиий ва тупроқ шароитларида, шунингдек, сув билан таъминланганлик даражаси бўйича табақалаштирилган шароитда тамаки етиштириш самарадорлиги атрофлича таҳлил этилган.

Ушбу мақолада ва илмий ишнинг пировард натижада, тамакичилик комплексида интенсив технология ривож шариоитида, тамаки етиштириш сифати, бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари билан ҳамоҳанг ривожлантириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларига асосий эътибор қаратилади.

3. ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада Ўзбекистон шароитида тамаки етиштиришни табиий хусусиятлари ва иқтисодий усуллари ўрганилган. Ўрганиш жараёнида ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий асарлари ва мақолалари таҳлил этилган. Мақолада илмий тадқиқот усулларида, статистик методлар, жадвал, динамик қаторлар, ўртача миқдорлар, синтез ва анализ методларидан фойдаланилган, мақсад ва вазифалар ифодаланган.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, Ургут тумани ерлари тоғли худудга кирганлиги учун, ирригация тизимлари ва сув иншоотларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш даражасининг турли туманлигидан келиб чиқиб, ўзига хос хусусиятларга эга.

Чунки, Ўзбекистоннинг Зарафшон водийси, шу жумладан Ургут тумани худуди, қадимда ўзининг юксак унумдорлиги ва деҳқончилик маданияти билан машҳур бўлган. У табиий шароити бўйича бир-биридан фарқ қилувчи учта худудга бўлинади: тоғли, тоғ олди ва текислик (1-жадвал). Тоғли худудга ўртача баландликдаги тоғлар чизиги, баъзи жойларда қояли чўққилар, шунингдек, унинг пастки ён бағриларида нисбатан тор чизиги киради. Вилоятнинг мутлақ баландликлари шарқда 1890-2800 м ва ундан юқори, ғарбда 1696-1740 м гача, тоғли худуднинг пастки чегараси денгиз сатҳидан 1500-1700 м баландликда ўтади [3].

1-жадвал

Ўзбекистон тамаки зоналарининг табиий характеристикаси [3]

Тамаки етиштириш зоналари	Денгиз сатхидан баландлиги, метр	Гумус микдори, %	Суғориш имкониятлари	Экиладиган экинлар
Текислик	500-600	1,2-1,7	Суғориш каналлари	Сабзавот, ғалла, тамаки
Тоғ олди	600-900	0,7-1,1	Суғориш насослари	Ғалла, тамаки
Тоғли	900 дан юқори	0,4-0,6	Булоқ сувлари	Ғалла, тамаки, узум

Тоғли худуднинг мураккаб рельеф шароити қишлоқ хўжалигини кенг ривожлантириш имкониятини истисно қилади ва фақат унинг пастки қисмида экин экиш учун ишлатиладиган кўпроқ ёки камроқ текис сиртли алоҳида худудлар, баланд тоғлар чизиги фақат ёзги яйлов, айрим худудларда Измир тамаки етиштирилади.

Тамаки етиштирувчи хўжаликларнинг тамаки етиштириш зоналари бўйича жойлашишидан кўринадики, Ургут туманида тамаки етиштирувчи хўжаликларнинг 50 фоиздан ортиғи текисликларда, 28 фоизга яқини тоғолди худудларида, атиги 18 фоиздан кўпроқ тоғли худудларда жойлашган. Тоғли ва тоғолди шароитида жойлашган хўжаликлар текис шароитларга қараганда анча кичикдир. Бу тоғ ва тоғ олди хўжаликларининг табиий ва иқтисодий шароитлари билан боғлиқ [4].

Шундай қилиб, асосан оқар сувлар билан таъминланадиган худуднинг бир қисми, анча қулай шароитларга эга бўлиб, унда вегетация давридаги харажатлар ҳам меъёр даражасида бўлади. Лекин, насослар ёрдамида сув ичадиган худуд ҳам, ёки булоқ сувлари билан таъминланадиган худудда ҳам албатта ўзига хос фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар сарфланиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг тоғ олди худудлари аҳолининг юқори зичлиги билан ажралиб туради. Ҳайдаладиган суғориладиган ерларнинг контури кам. Бу борада юқори меҳнат зичлиги, асосан қўл меҳнати ва 1 гектар қимматбаҳо суғориладиган экин майдонларидан нисбатан юқори рентабелликка эга бўлган тамаки саноати ушбу худуд учун энг қулай ҳисобланади. Бироқ, тамаки етиштиришнинг тармоқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳал этиш-

да яққол устунлигига қарамай, охириги пайтларда экин майдонлари кескин қисқарди (2018 йилги 1549 га. гача). Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилган аграр сиёсати, асосий озиқ-овқат экинлари учун ер майдонларини кўпайтириш муҳим омиллардир [7].

Бугунги кунга келиб ишлаб чиқарилаётган тамаки хомашёсининг тузилиши ҳам сезиларли ўзгаришларга учради. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб, ишлаб чиқарилган тамаки хом ашёсининг деярли бутун ҳажми Дюбек шарқона навининг хомашёси бўлган бўлса, сўнгги йилларда структураси жуда ароматик майда баргли тамаки навлари фойдасига ўзгарди. Натижада, ҳосилдорлик пасайиб кетишининг асосий сабаби ҳам шу жараён билан характерланади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1,9 фоизи тамакичиликда, жумладан, вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 7 фоиздан ортиғи етиштирилмоқда. Ялпи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархи таркибида тамаки етиштириш улушининг пасайиш тенденцияси тамаки етиштириладиган майдонларнинг қисқариши ва озиқ-овқат экинлари майдонларининг кўпайиши, иккинчидан, тамаки етиштиришнинг кўпайиши сотиб олиш нархлари билан боғлиқ. Бироқ тамаки етиштиришнинг товарлик даражаси бошқа қишлоқ хўжалиги экинларига нисбатан анча юқори ва шунинг учун унинг товар маҳсулоти таннархидаги улуши юқори бўлиб, бу савдо ва солиқ тушумлари даражасининг шаклланишида намоён бўлади.

Республикада бугунги кунда тамаки етиштиришнинг ташкилий шакли фермер хўжалиги бўлиб, унинг худудлари таркибида тамаки асосий ўринни эгаллайди. Тоғ олди

худудларида ер майдони нисбатан кам бўлган шароитда кам интенсив қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш фермер хўжаликлари аъзолари учун ижтимоий-иқтисодий минимумни таъминламайди. Сўнгги йилларда фермер хўжалиги аъзоларининг битта тамаки етиштирувчисига тўғри келадиган тамаки экиш майдонининг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда. Бундан ташқари, белгиланган худуддаги ҳар бир тамаки етиштирувчи бутун оила билан ишлайди.

Ҳозирги вақтда тамакининг йирик баргли америка ва майда баргли шарқ навлари етиштирилмаганлиги сабабли Ўзбекистон тамаки саноати зарур миқдорда юқори сифатли тамаки ололмапти, унинг тақчиллиги ҳар йили импорт қилинадиган харидлар ҳисобига қопланади. Хом сигареталар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва энг юқори сифатни талаб қилинадиган ҳажмга етказиб бериш кам тамаки хом ашёсини олиш учун катта харажатларни талаб қилади.

Бундай шароитда тамаки маҳсулотлари ассортиментини яхшилашнинг реал усуллари билан бири дунёда талаб ортиб бораётган Америка типидagi сигареталар

ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлиши мумкин. Шарқий турдаги Измир, Басма ва бошқаларнинг ароматик хомашёсининг атиги 10-15 фоизи америка типидagi сигаретларда ишлатилади, асосий компонент (50-60%) йирик баргли, хушбўй моддаларни яхши қабул қиладиган Виржиния Америка тамаки хом ашёси ҳисобланади. Шу муносабат билан Америка ва Шарқий нав турлари ичидан истиқболли навларни ўрганиш ва аниқлаш, тамакининг энг истиқболли навлари учун янги қишлоқ хўжалиги технологиясини ишлаб чиқиш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Тамакичилик, қишлоқ хўжалиги тармоғи сифатида худуднинг барқарор ривожланишини таъминлашда катта агроиқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, вилоятнинг ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ижтимоий, бозор инфратузилмасини шакллантиришда асосий дастаклардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, тамаки ҳосилдорлиги, унинг навлар бўйича таркибий тузилиши категорияларига боғлиқ бўлиб, унинг нечоғлик аҳамияти қуйидаги жадвал маълумотларидан яққол кўзга ташланади.

2-жадвал

Тамакичилик фермерларни тамаки ҳосилдорлиги бўйича категорияларга бўлиш, т/га* [6]

Категорияси	Экиладиган тамаки навлари				Фермер хўжаликлари сони
	Измир	Басма	Дюбек	Виржиния	
А	1,0 дан кат.	1,2 дан кат.	2,5 дан кат.	2,5 дан кат.	138
В	0,8-1,0	1,0-1,2	1,8-2,5	1,8-2,5	284
С	0,6-0,8	0,8-1,0	1,5-1,8	1,5-1,8	146
Д	0,6 дан кич.	0,8 дан кич.	1,5 дан кич.	1,5 дан кич.	116

Муаллифларнинг таҳлил қилишича, 1 гектарга тўғри келган маҳсулот, яъни тонна бўйича А,В,С ва Д категорияларга бўлинган ҳолда, А вариантда интервал Измирдан то Виржиниягача 1,0 дан 2,5 гача ва охиригиси – Д вариантда мос равишда – 0,6 дан 1,5 гача тебранишга эга бўлди.

Хўжаликларда айна пайтда ўта хушбўйли Измир, Басма, ярим ароматик Дюбек 4407 ва К-326, Виржиния нав туридан эса НС-95 навлари етиштирилмоқда. Тамаки етиштириш билан шуғулланувчи фермер хўжаликларини тоифаларга бўлиш натижасида ҳосилдорлик бўйича 138 та фермер хў-

жалиги А тоифасига (юқори тоифа) киритилганлигини кўрсатди. 284 та фермер хўжалиги (ўртачадан юқори), 146 та фермер хўжалиги С (ўрта) ва 116 та фермер хўжалиги Д (пастки) тоифага кирази (2-жадвал).

Техника экини сифатида тамаки ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар тиббий чекловларга қарамай қишлоқда яшовчи меҳнаткашларнинг узок даврлардан бошлаб иқлими, табиий шароити талабларга жавоб берадиган, аҳоли зинч жойлашган, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган худудларда етиштирилади. Самарқанд вилоятидаги барча тоифадаги

хўжаликларда 1 ц.тамаки хом ашёсининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили (2010-2021 йй.) шуни кўрсатадики, албатта бу ерда, асосий урғу Ургут тумани фермер хўжаликларига берилади, 1 ц тамакининг сотиш баҳоси 2010 йилдаги 3179 минг сўмдан 2021 йилда 7174 минг сўмга ёки 2,3 мартага ошган. Шу билан бирга ана 1 ц.нинг таннархи таққосланаётган даврда мос равишда – 2546 минг сўмдан 5672 минг сўмга ёки 2,2 мартага ошган бўлиб, жорий баҳоларда 3126 минг сўмни ташкил қилган. Сотиш баҳосининг ва маҳсулот таннархининг таққослама таҳлили шуни кўрсатадики, ўсиш суръати сотиш баҳосида бир мунча тезроқ бўлгани учун ҳам, шу даврда фойда миқдори 2,4 мартага ошган. Бу ўсиш тармоқдаги рентабеллик даражасининг 1,6 пунктга кўтариллишига олиб келган. Худудда тамакичилик маҳсулотлари самарадорлиги кўп жиҳатдан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари самарадорлиги билан, яъни шу маҳсулотлар экин майдонлари таркибий тузилиши, ундаги деҳқончилик илмий системасининг асоси ҳисобланган алмашлаб экишнинг илмий асосланган ҳолда жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқ, ернинг сифат жиҳатдан табиий унумдорлигини оширишга самарали хизмат қилади. Пировард натижада бу ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги экинлари ялпи ҳосилида, ҳосилдорлигида ва молиявий натижаларда; 1 ц. маҳсулотларнинг сотиш баҳоси, 1 ц. маҳсулотнинг таннархи, шунингдек фойдаси ва синтетик кўрсаткич бўлган рентабеллик даражасида ўз аксини топади. Самарқанд вилояти бўйича барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 1 ц. маҳсулотларнинг сотиш баҳоси 2012-2021 йиллар давомида мева, сабзавот, картошка, узум, ғалла ва полиз маҳсулотларида 8,4 мартадан 13,1 мартагача ошиб борган. Бу ерда энг паст кўрсаткич тамаки ва пахта етиштиришда бўлиб, мос равишда – 2,3 ва 4,6 мартани ташкил этган. Худди шунингдек, 1 ц. маҳсулотнинг таннархи кўрсаткичида ҳам таҳлил этилаётган даврда ўсиш тенденцияси қайд этилган бўлиб, юқоридаги маҳсулотлар кетма-кетлигида мос равишда – 8,4 дан 11,3 мартагача ошган. Тамаки ва пахта етиштиришда ҳам

мос равишда – 2,2 мартадан 7,2 мартагача ўзгариш бўлган. Шу даврда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга бўлган истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиқиб, бир неча бор уларни сотиб олиш ва бозор баҳоларининг ошиши бевосита ва билвосита таъсир этган бўлса, таннархга ҳам уларни етиштириш билан боғлиқ бўлган саноатдан келадиган товарлар (уруғлик, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқалар) нархининг ошиши сабаб бўлган. Натижада рентабеллик даражаси, юқори тартибдаги маҳсулотларда, шу даврда 8,9 дан 26,1 пункт процентгача ошган. Пахта ва тамакида эса мос равишда - 0,4 дан -6,0 гача зарарлик даражаси қайд этилган. Бундай ўзгариш асосан, 2017 йилдан бошлаб амалга ошган бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг янги босқичга ўтиш жараёни билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигидаги янги иқтисодий сиёсатнинг амалиётдаги тезкор натижалари кўриниши, тамаки ва пахтачиликда кескин ўзгаришлар юз бермаганлигидир. Бу даврда норентабел ишлаётган пахтачилик фермер хўжаликлари майдонларининг қисқартирилиши ва тамакичиликда ислохотлар деярли амалга оширилмаганлигидандир. Агар бу ҳолатни алоҳида олинган Ургут тумани шароитида таҳлил этилганда ҳам худди шундай аналогик картина намоён бўлишини кузатиш мумкин. Самарқанд вилояти Ургут туманидаги барча тоифадаги хўжаликларда 1 ц. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашёсининг молиявий кўрсаткичлари таҳлили (2010-2021 йй.) шуни кўрсатадики, бу ерда худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хулоса ва тавсияларда бошқача ўзгаришлар бўлиши мумкин. Табиийки, Ургут тумани пахтачилик билан шуғулланмайди. Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: мева, картошка, сабзавот, узум ва ғалла ишлаб чиқаришда сотиш баҳолари мутаносиб равишда ошиб борган. Таҳлил даврида полиз маҳсулотлари етиштириш динамикаси сал кейинроқ, яъни 2014 йилга нисбатан олинган бўлиб, бу ерда 3 мартагача ошиш қайд этилган. Таҳлилда 2021 йил баҳоларининг ошиши умумий динамикада салмоқли ўзгаришларга олиб келган. Ургут туманининг таққослама кўр-

саткичлари вилоятга нисбатан бир мунча бошқачароқ бўлиб, ғалла ва картошкачиликда зарарлилик даражаси қайд этилган. Тамакичиликда эса, 1,6 % рентабелликка кўтарилган. Лекин бу ҳолат ҳам Ургут тамакичилиги учун жуда паст кўрсаткичдир.

Шунинг учун, туман тамакичилигида ҳосилдорликни, ялпи ҳосилни, пировард натижада ялпи маҳсулотни ва рентабелликни ошириш учун илмий асосланган деҳқончилик системасининг интенсив омили бўлган алмашлаб экишни тезкорлик билан жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, кўп йиллар давомида тамаки экин майдони сифатида фойдаланиб келинган ерларга буғдой экилиши ҳам тамакичиликни камайишига олиб келмоқда. Чунки, буғдой май ойининг охири июнь ойлари бошларида пишиб этилганидан сўнг ҳосили йиғиштириб олингач, буғдойдан бўшаган ерга тамаки экиб етиштириш учун жуда қисқа муддат қолмоқда.

3-жадвал

Ургут туманида тамаки етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2012-2021 йй.) [10]

Кўрсаткичлар	Йиллар										2021 йил 2012 йилга нисбатан, %
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
1.Экин майдони, га	7597	5743	4148	3227	2525	2320	1314	3900	5017	5027	66,2
2.Ялпи ҳосил, тонна	11855	5689	6126	4739	3098	5999	5373	13195	11406	7791	65,7
3.Тамакичиликдан олинган даромад, млн.сўм	37758	19786	20439	27433	11067	26048	22783	61975	53125	55893	148,0
4.Тамакичиликнинг жами харажати, млн. сўм	29678	18203	16351	21809	9023	25076	19704	49071	44018	44188	148,9
5.Фойда, млн.сўм	8080	1583	4088	5624	2044	972	3080	12904	9107	11705	144,8
6. 1 га ердан олинган:											
- Даромад, минг.сўм	4970	3445	4927	8501	4383	11228	17339	15891	10589	11119	2,3 м
- Фойда, минг.сўм	1064	276	985	1743	809	419	2344	3309	1815	2328	2,2 м
7.Рентабеллик даражаси, %	27,0	8,7	25,0	25,8	22,6	3,9	26,2	26,3	20,6	26,5	-0,5 пп

Республикада сўнгги йилларда тамаки етиштирувчи фермер хўжаликлари сони икки баравардан ортиқ кўпайди. Бу тамаки экиладиган майдонларнинг умумий қисқариши фонида ҳам, умуман тамаки етиштирувчига тўғри келади.

2012-2021 йиллар давомида Ургут тумани тамакичилик хўжаликларида экин майдонлари 33,8 % га ёки 2570 га камайгани ҳолда, ҳосилдорлик деярли ўзгармаган шароитда ялпи ҳосил 34,3 % га ёки 4064 тоннага кам олинган.

Тамакичиликдан олинган даромад, шу даврда тамакичиликнинг жами харажатлари билан мос равишда 1,5 мартага кўпайган бўлса, фойда 1,4 мартага ошган бўлса, шу даврда, 1 га дан олинган даромад ҳам фойда ҳам 2 мартадан кўпроқ ошган. Фойданинг ўсиш суръати камайгани боис, рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда - 0,5 пункт процентга пасайган. 2015 йилда энг юқори рентабеллик Дюбек ва Виржиния навлари учун қайд этилган (3-жадвал).

Ҳисоб-китобларга кўра, туманда сотилган маҳсулотлардан касса тушумлари таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 18,7 фоизни ташкил эса, унинг таркибида тамакичиликнинг товар маҳсулотлари салмоқли улушга эга [8]. Тамакичиликнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти таҳлили шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида қарийб 100 йил давомида нафақат тамаки етиштиришнинг мослашган миллий маданияти, шахслараро ижтимоий муносабатлар тизими, ташкилий-ишлаб чиқариш тизими, балки тамаки баргини, бошқа тамаки маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришнинг бутун занжир механизми шаклланди. Ижтимоий нуқтаи назардан шуни айтиш мумкинки, вилоятда миллий тамаки етиштириш мактаби мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда, ишлаб чиқариш ва қурилиш инфратузилмаси ривожланган, маҳаллий аҳоли 4 авлодга келиб шаклланди ва ҳозирда ривожланиб бормоқда. Шунингдек, тамаки етиштириш ҳам яхшиланмоқда.

Тоғ олди ҳудудлари, жумладан, Ургут вилояти аҳолисининг юқори зичлиги билан ажралиб туради. Ҳайдаладиган суғориладиган ерларнинг контури кам. Бу борада юқо-

ри меҳнат зичлиги, асосан қўл меҳнати ва 1 гектар қимматбаҳо суғориладиган экин майдонларидан нисбатан юқори рентабелликка эга бўлган тамаки саноати ушбу ҳудуд учун энг қулай ҳисобланади.

Тамакичиликда маҳсулот логистикаси ва сотиш тизимларининг фарқли хусусиятлари, бу сотиш бозори кафолати, харид баҳоларининг ўсиш тенденцияси мавжудлиги ҳисобланади. Харид баҳоларининг ўсиш суръати ва харид баҳоларининг ўсиши индекси харажатларнинг ўсиш суръати ва индексидан илгарилаб кетади. Бусиз туманда ишлаб чиқариладиган бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳақида бирор нарса дейиш ҳам мумкин эмас (4-жадвал).

Тамакичиликда харид баҳоларининг барқарорлиги кузатилади, ва у маҳсулот сифатига боғлиқ ҳолда кучли табақалашган. Бу тамакичилик хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қилишни таъминлаш масаласини муҳокама қилиш имкониятини беради. Бу ерда маҳсулотнинг товарлилик даражаси 100% ни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, 3,4 ва 5-навли тамакилар (баъзи навлар бўйича 2-нав – Яшил (қуритилмаган) Виржиния (буғоловли) қуритилган (FCV), бу нав ё сотилмайди ёки сотиб олинса ҳам кам миқдорда ёхуд шу типдаги тамаки барги умумий ҳажмидан 0,1-2% и сотилади (яъни, эпизодик ҳолатда учраб туради). Тамакиннинг анча паст навлари (3-чи, 5-чи, алоҳида ҳолатларда 2-чи) учун қўлланилмаётган, мавжуд бўлмаган фоиз ёки фермер ва тамакичиларни анча сифатли бўлган олий ва биринчи (афзал бўлган) навларни етиштиришга рағбатлантириш мақсадида, 70-75% и тўғри келган, буғ ҳавода қуритилган яшил Виржиния ҳолатида, 100% сотиладиган хом ашё учун харид баҳолар оширилади [9].

Тамакиннинг жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларга асосланиб, ва истеъмол афзалликлари таянган ҳолда, тасаввур қилганда, ўзбек тамакичилигининг экспорт салоҳиятининг ўсиши ва иқтисодий самарадорликни оширишнинг йўлларида бири, бу “Виржиния” нави экин майдонларини кўпайтириш ҳисобланади.

2020-2022 йилларда Ургут туманида 20 та агрофирмаларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари (оила хўжаликлари) сони 2020 йилдаги 595 тадан 2022 йилга келиб 11,8 % га , яъни 70 тага камайиб, 525 тани ташкил этган. Бу асосан, йириклашиш ва бир қатор оилавий фермер хўжаликлари-нинг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан сабзавотчилик билан шуғулланишга ўтишлари ҳисобига содир бўлган.

Маълумки, туманда тамаки ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибидаги ўзгаришларга, асосан, тамаки ҳосилдорлиги ўртасидаги катта тафовутлар ҳам сабабчи бўлган. Қуйидаги 4 – жадвалда Ургут туманидаги агрофирмаларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларини тамаки ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш маълумотлари келтирилган.

4 -жадвал

Ургут туманидаги агрофирмаларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликларини тамаки ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш, 2022 йил [10]

Т/Р	Фермер хўжаликлари тамаки ҳосилдорлиги бўйича гуруҳлаш	Тамаки тури	Фермер хўжаликлари сони	Ҳосилдорлик, ц/га	Рентабеллик, %	1 ц.тамакининг	
						Сотиш баҳоси, минг сўм	Таннархи, минг сўм
1.	1 – 45 гача	Басма	16	41	27,5	27 150	21 290
2.	46 – 70	Басма	30	61	31,6	29 050	22 070
3.	71 – 97	Басма	130	84	32,6	30 100	22 700
4.	98 – 124	Басма	296	109	34,7	32 510	24 130
5.	125 дан юқори	Басма	48	134	35,6	33 030	24 350
		FCV	2	1099	32,6	31 500	23 761
		FCV	3	1027	30,7	31 500	24 097

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Басма” навли тамаки ҳосилдорлиги мавжуд 525 та фермер хўжалигидан, 296 та-сида ўртача 98 дан 124 ц/га.гача ёки ўртача 109 ц/га ни ташкил этган. Бу умумий меъёр даражасига яқин ҳолат. Албатта, бу гуруҳ хўжаликларида рентабеллик даражаси ҳам 34,7 % ни ташкил қилган, I-гуруҳга кирувчи 16 та хўжаликда 41 ц/га ни ҳосил қилиб, рентабеллик даражаси 27,5% ни ташкил қилган. Бу таққосланаётган гуруҳларда сотиш баҳоларининг ошиб бориши тамаки навларининг олий гуруҳлар салмоғининг ошиши ва таннарх ўсиш суръатнинг секинлиги билан ҳам фарқ қилади. Бу мос равишда – 21,6 ва 14,3% ни ташкил этган. Кейинги 5 та хўжаликда эса FCV навли тамаки экилган бўлиб, бу нав ҳосилдорликнинг юқорилиги ва ароматлилиги билан фарқланади. Лекин, унинг сотиш баҳолари ҳам юқоридаги тамаки нави билан кўп фарқ қилмайди. Маълумки, 2022 йилга келиб, туманда аксарият фермер хўжаликлари “Басма” навини экиш билан чекланмоқдалар. Чунки уни қайта ишлаш техноогияси талабларига

биноан “УзБАТ” ҚК билан тузилган шартномаларда шундай кўзда тутилган.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ургут вилояти озиқ-овқат, фармацевтика ва қайта ишлаш саноати учун зарур бўлган турли турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари, доривор гиёҳлар ва ўсимликлар, шунингдек, бошқа техник ўсимликлар етиштириш учун улкан табиий-иқлим ва меҳнат салоҳиятига эга. Тамаки етиштириш қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш, қишлоқ оилалари ва қишлоқ меҳнаткашлари даромадларини шакллантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Ургут тумани ва Самарқанд вилояти тамаки етиштириш тармоғининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу туманда ва умуман вилоятда битта худудий бирликда тамаки етиштириш занжирининг иккала энг қуйи бўғини – тамаки етиштириш ҳам мавжуд. Тамаки барглари ва қиймат занжиридаги энг юқори бўғин - сигареталар ишлаб чиқариш. Улар бир-бирига боғланган. Сигареталар ишлаб чиқариш юқори даражада механизациялашган жараён бўлиб, бунда йирик экспорт ва сармоявий салоҳиятга эга “УзБАТ

А.О.” ҚК йирик халқаро компанияси етакчи рол ўйнайди.

Тамаки етиштирувчи хўжаликларни ташкилий жиҳатдан жойлаштиришнинг ўзига хослиги шундан иборатки, хўжаликларнинг 54,2 фоизи текисликларда, 27,3 фоизи тоғолди худудларида, 18,4 фоизи тоғли худудларда жойлашган. Кейинги йилларда вилоятнинг тоғли ва тоғ олди худудларида тамаки етиштириш кескин камайди.

Ургут тумани аҳолининг юқори зичлиги билан ажралиб туради. Ҳайдаладиган суғориладиган ерларнинг контури кам. Бу борада юқори меҳнат зичлиги, асосан қўл меҳнати ва 1 гектар қимматбаҳо суғориладиган экин майдонларидан нисбатан юқори рентабелликка эга бўлган тамаки саноати ушбу худуд учун энг қулай ҳисобланади.

Тамаки етиштиришда маҳсулотларни сотиш ва логистика тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, сотиш бозори кафолатланган, харид нархлари ошиб боради. Иккинчисининг ўсиш суръати ва харид нархларининг ўсиш индекси индекс ва хара-

жатларнинг ўсиш суръатларидан олдинда, минтақада етиштириладиган бошқа асосий қишлоқ хўжалиги экинларида бундай имконият мавжуд эмас.

Ўзбекистонда тамаки ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун ушбу тамаки етиштирувчи зонадаги корхоналар фаолиятида хомашёнинг тижорат ва чекиш сифатини ошириш ва уларнинг таннархини босқичма-босқич пасайтириш устувор йўналишлар бўлиши зарур. Биринчи вазифани ҳал қилишда асосий эътибор далада етиштирилган тамаки ҳосилини сақлаш, энг юқори товар навли хом ашё ҳосилдорлигини ошириш ва аралаш хомашё сифатида унинг ароматик хусусиятларини яхшилашга қаратилиши керак. Иккинчисини ҳал қилишда – мамлакатда етиштириш, ўрим-йиғим ва ўрим-йиғимдан кейин қайта ишлаш жараёнида жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг янги ва замонавий технологиялари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О. Муртазаев, Ф. Ахроров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2017. – 416 б.
2. О. Муртазаев, Ф. Ахроров. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – С.: “Самарқанд идеал полиграф”, 2020. – 528 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам материаллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент 2010-2021.
4. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси. Йиллик статистик тўплам материаллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Самарқанд 2010-2021.
5. Самарқанд вилояти ҳокимияти қишлоқ хўжалиги бошқармаси. Молиявий натижалар. Йил натижалари. 2010-2021
6. Б. Жалилов, Э. Умрзаков и др. Повышение качества табака и его экономической эффективности. Монография. Самарқанд. 1919 г.
7. Муртазаев О., Кўчимов С. Экинларни оптимал жойлаштириш – даромадга таъсир қилувчи омил сифатида. Электрон журнал. 931 – 935 бетлар
8. Муртазаев О., Кўчимов С. Тамакичиликда молиявий кўрсаткичлар таҳлили. Электрон журнал. 936-944 бетлар
9. Муртазаев О., Кўчимов С. Тамаки навлари ҳосилдорлиги ва молиявий натижалар ўртасидаги боғлиқлик. Электрон журнал. 945-950 бетлар.
10. Самарқанд вилояти Ургут тумани қишлоқ хўжалиги бўлими. Молиявий натижалар. Йил натижалари. 2010-2021
11. “ЎзБАТ” ҚК ҳисоботлари. 2020-2022 йй.